



JOURNAL OF GEOGRAPHY AND NATURAL RESOURCES

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jgnr>

AKSOKOTA RECREATION ZONE AND ITS TOURIST ASPECTS

Shakhnoza G. Shomurodova

PhD

Chirchik State Pedagogical University

Chirchik, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: mountain range, relief structure, geology, climate, soils, tourism, flora and fauna, mountain-valley and fyon winds.

Received: 13.11.22**Accepted:** 15.11.22**Published:** 17.11.22

Abstract: In the article, the natural geographical location, relief and geological structure, climate, internal waters, flora and fauna of the Aksokota recreation zone located in the Charvoq free tourist zone are widely covered. Also, the touristic aspects of the zone and the conditions created for tourists are described.

ОҚСОҚОТА ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ ВА УНИНГ ТУРИСТИК ЖИХАТЛАРИ

Шахноза Г. Шомуродова

PhD

Чирчиқ давлат педагогика университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўз: тоғ тизмаси, рельеф тузилиши, геологияси, иқлим, тупроқлари, туризм, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғ-водий ва фён шамоллари.

Аннотация: Мақолада Чорвоқ эркин туристик зонасида жойлашган Оқсоқота дам олиш зонасининг табиий географик ўрни, рельефи ва геологик тузилиши, иқлими, ички сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кенг ёритилган. Шунингдек, зонанинг туристик жиҳатлари, туристларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида баён қилинган.

ЗОНА ОТДЫХА АКСОКОТА И ЕЕ ТУРИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ

Шахноза Г. Шомуродова

Phd

Чирчикский государственный педагогический университет

Чирчик, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: горный хребет, строение рельефа, геология, климат, почвы, туризм, флора и фауна, горно-долинные и фьоновые ветры.

Аннотация: В статье широко освещаются природно-географическое положение, рельеф и геологическое строение, климат, внутренние воды, флора и фауна рекреационной зоны Аксокота, расположенной в свободной туристической зоне Чарвок. Также описываются туристические аспекты зоны и условия, созданные для туристов.

КИРИШ

Маълумки, дунё мамлакатларининг кўпчилиги туризм соҳасини ривожлантириш орқали ўз миллий иқтисодиётини тараққий этмоқда. Ҳозирги кунда туризм дунё бўйича энг кўп даромад келтирадиган соҳалардан бирига айланган бўлиб, автомобилсозлик ва нефтни қайта ишлаш саноатидан кейинги ўринда туради. Бундан ташқари, туризм мамлакатлар ва миллатлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларни янада барқарорлаштиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги етарлича даражада ва ҳар қандай хорижий мамлакатлардан қолишмайдиган имкониятларга эгаллиги бу борада кўплаб муваффақиятларга эришишимизни таъминловчи асосий манба ҳисобланади. Ташриф буюраётган туристлар оқимининг йил сайин ортиб бориши, юртимизда мавжуд янгидан-янги туризм имкониятларининг кашф этилаётганлиги ва бошқа шу каби ўзгаришлар фикримизнинг яққол далили бўла олади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда Чорвок эркин туристик зонасида сайёҳлик объектларига бўлган талаб ортиб, йилига ўртача 1 – 1,5 миллионгача аҳоли ҳордиқ чиқариб келмоқда. Бунга асосий сабаб, табиатининг хушманзаралиги ва йил фасллариининг ўзгача кўринишидир.

Чорвок эркин туристик зонасида туристлар учун дам оладиган сўлим манзилгоҳлардан бири бу - Оқсоқота дам олиш зонасидир.

Оқсоқота ҳудуди Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларидан бири ҳисобланади. У Чотқол биосфера қўриқхонаси ҳудудида жойлашган бўлиб, Оқсоқота дарёси ўрта оқими ҳавзасини ўз ичига олади. Ҳавоси тоза, тоғ ёнбағирлари турли дарахтзорлар ва бутазорлар билан қопланган. Зона ҳудудидаги пурвиқор қорли тоғлар ажойиб ва ранг-баранг наботот ва ҳайвонот олами билан уйғунлашиб, чиройли манзара ҳосил қилади. Минерал сувли булоқлари ва ажойиб табиат манзараси билан туристларни ўзига жалб қилиб, кўтаринки кайфият бахш этади.

Оқсоқота кенг дара бўлиб, чуқурлиги 30 км дан ортиқ. Бу ерда тик қияликлар, салқин ўрмонлар ва қайинзорларни томоша қилишингиз мумкин бўлади.

Оқсоқота дам олиш зонасининг майдони 11940,0 гектар. Зона шимол ва шимоли-шарқдан Белдерсой дам олиш зонаси, жануб ва жануби-шарқдан Паркент тумани, ғарб ва жануби-ғарбий томондан чегара ЧЭТЗ (Чорвоқ эркин туристик зона) нинг ғарбий ва жануби-ғарбий чегара қисмидан ўтади.

Дам олиш зонаси ўз ичига Айдарали, Янгиовул, Қўшқўрғон, Карабастау, Қораманас, Қорабой, Алғабас каби қишлоқларни олади.

Рельеф тузилиши: Рельефи ўзига хос бўлиб, дам олиш зонасининг марказий қисмидан Оқсоқотасой кесиб ўтади. Оқсоқота дарёси ҳавзасида турли геологик жинслар, бурмали ва узилмали структуралар, турфа тоғ жинслари, кўплаб фойдали қазилмалар мавжуд. Бу жойда турли экзоген геологик жараёнлар: нурашнинг турли кўринишларини, дарёлар, шамол, вақтинча оқар сувларнинг геологик фаолиятини, рельефнинг турли шакллари кузатиш. Зонанинг шимолий қисми мутлақ баландлиги 1000-1600 м ни, жанубий қисми 600-800 м ни ташкил қилади. Уни шимол томондан Кўкбет (1950 м) ва Майгашкан (2310 м), ғарбда - Суренота (2041 м) ва шарқда - Тошгаза (2427 м) тоғлари ўраб туради.

Худуднинг шарқида - Катта Чимён (3309 м), жанубида - Чархтов (2039 м) ва Қизилнура (3233 м) чўққилари кўриниб туради. Чўққиларнинг учи нурашга чидамли палеозой жинсларидан иборат, қояли тузилишга эга.

Ёнбағирларининг қиялиги кўп ҳолларда 30° дан ортиқ, тоғ жинсларининг синик бўлаклари тўпламидан иборат коллювий ётқизиклари юришни қийинлаштиради. Қизилнура чўққисининг шимолий ёнбағрида қор июль ойининг охиригача сақланиб қолади [3].

Геологияси: Q_{IVsd1} - Оқсоқотасойнинг қайир усти II террасаси. Шағалтошлар, қумлар, қумлоқ, қумоқлар;

Pg - палеоген даврининг қумтош, гил, мергел, алевролитлар, конгломератлар, велит, доломитлар, оҳактошлар;

$Pg3-N_1$ - Оқсоқотасойи ва унинг атрофларидаги олигоцен-миоцен конгломератлар, гравелитлар, қумтошлар, алевролитлари ва мергеллари;

Q_{nts} - зонанинг ғарбий қисмида ўрта тўртламчи давр ётқизиклари. Тошкент комплекси. Лёсс, қумоқ, қумлоқ, қум, шағалтошлар;

Q_{lsh} - қуйи тўртламчи давр ётқизиклари. Сўх комплекси. Конгломератлар, тошқотган лёсслар, мергеллар, қумоқлар, қумтошлар;

Cr_2 - бўр даврининг алевролитлар, гравелитлар, гил, мергел, оҳактошлар, чиғаноқтошлар;

C_{IV} - тошқўмир даври турней яруси оҳактошлари, доломитлашган оҳактошлар, конгломератлар;

C_{IV} - тошқўмир даври оҳактошлари, кремнийли оҳактошларидан иборат [1].

Иқлими: Зонада тоғ-водий ва фён шамоллари эсиб туради. Ҳаво массалари жануб ва жануби-ғарбий тарафдан кириб келади. Аксинча, шимол ва шимоли-шарқий қисмлари Чотқол тизмасини тармоқлари билан ўралганлиги сабабли ҳаво массалари кириб кела олмайди. Январ ойида ҳарорат -20°C гача пасаяди. Қор қоплами қалинлиги 1,2-2 м гача боради. Баҳор ойларида кучли жала ёғади ва сел келади. Йиллик ёғин миқдори 700 мм ни ташкил қилади. Эрта баҳордаги кучли намгарчилик оқибатида тез-тез кўчкилар содир бўлади.

Июль-август ойлари йилнинг энг қуруқ пайтларидир. Бу даврда атмосфера ёғин-сочинлари деярли кузатилмайди. Ҳарорат $+40^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади.

Сувлари: Асосий сув тармоғи Оксоқота дарёси ва унинг ирмоқларидир. Дарё жануби-шарқдан шимоли-ғарбга қараб оқади. Умумий узунлиги 50 км бўлган Ревашта довонидан бошланиб, Ғазалкент шаҳри яқинида Чирчиқ дарёсига қуйилади. Йирик ирмоқлари Қашқасув ва Нурекотасой Қозоқсой, Улқунатчисой, Оккантайсой каби сойлар мавжуд бўлиб, суви эрта баҳорда тўлиб оқади. Оксоқотасой Чотқол тоғ тизмасининг жануби-ғарбидан бошланиб, узунлиги 48 км, ҳавзасининг майдони 453 км^2 , сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 1840 м, Белдерсойнинг Оксоқотага қуйилиш жойидан 100 м ни ташкил қилади.

Оксоқота дарёсининг ўрта оқимида унга кўплаб катта-кичик ирмоқлар қўшилади. Булар Фигуралисой, Ўриклисой, Девонсой, Тутамғалисой, Қизилбостов ва бошқалардир.

Оксоқота дарёси ва унинг ирмоқлари асосан қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Бундан ташқари, сув режимида булоқлар ҳам катта аҳамиятга эга. Булоқларнинг аксарият қисми палеозой жинсларидаги дарзлик сувлари билан боғлиқ. Грунт ва сизот сувлари юза оқимлари режимига деярли таъсир кўрсатмайди ва шу туфайли унча аҳамиятли эмас.

Оксоқота дарёсининг сув сарфи йил давомида кескин ўзгариб туради. Баҳор ойларида бу кўрсаткич максимал бўлиб, $5-6\text{ м}^3/\text{сек}$ ташкил этади. Айниқса, баҳор фаслида дам олиш зонасида тез-тез сел келади. Сел оқимлар ўзандан чиқиб, бутун водийни қоплаши мумкин. Кучли сел келганда сув сарфи $25\text{ м}^3/\text{сек}$ гача боради ва ландшафтни ўзгартирувчи кучли эрозия жараёнларнинг ривожланишига олиб келади.

Тупроқлари: оддий ва тўқ тусли бўз тупроқлар, айрим жойларда арча ўрмонларида оч жигарранг, туб жинслар очилиб турган жойларда оч кўнғир тупроқларни учратиш мумкин.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси: қирқбўғим, каттакон шумғиёх, ҳайвонот дунёсидан бўрсиқ, ёввойи қуён, ҳашаротлардан тилла кўнғиз, чигиртка, ари, чаён, қорақурт кабилар

учрайди. Шунингдек, йиртқич ҳайвонлардан бўри, тулки, қўнғир айик, ўтхўр ҳайвонлардан тоғларда кийик ва архарлар, тоғ ёнбағирларидаги чакалакзорларда тўнғизлар, жайралар, бўрсиклар бор. Қўшлардан майна, мусича, чумчук, лайлак, бургут, болтаютар, сассиқпопишак, зарғалдоқ, каклик, бедана, булбул ва бошқалар кенг тарқалган. Судралиб юривчилардан заҳарли ва заҳарсиз илонлар: чипор илон, қолқонтумшук илон, буғма илон, сариқ илон ҳамда эчкемар, калтакесак, қурбақа ва тошбақа учрайди. Ҳашаротлар жуда хилма-хилдир. Уларнинг орасида капалаклар кўпчиликини ташкил этади. Дарёларда балиқлардан маринка ва форел кабиларни учрайди.

Оқсоқота дам олиш зонасининг табиати ўзига хос бўлиб, туристлар учун дам оладиган асосий манзилгоҳлардан бири ҳисобланади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқган ҳолда дам олиш зонасига ташриф буюрган туристлар учун табиий объектлардан ташқари, зиёратгоҳлар, тарихий, монументал объектлар ҳам мавжуд [1-жадвалга қаранг].

1-жадвал

Туристтик объектлари

№	Объект номи	Жойлашган ўрни	Объект ҳақида қисқача тавсиф
1	Оқсоқота	Қорамозор қишлоғи	Оқсоқотасойнинг чап томонида жойлашган тепалик бўлиб, бугунги кунда маҳаллий аҳоли томонидан зиёратгоҳга айлантирилган.
2	Қорамозортепа	Қорамозор қишлоғи	Қорамозор ва Гижол қишлоқлари оралиғида жойлашган. Маҳаллий аҳоли томонидан бугунги кунда зиёратгоҳга айлантирилган.

Зонасида ташриф буюрган сайёҳлар учун дам оладиган масканлар ва меҳмон уйлари яратилган. Айниқса, кейпинглар бугунги кунда туристларга хизмат кўрсатиш борасида фаолият олиб бормоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Оқсоқота дам олиш зонасига ташриф чоғида ҳудуднинг географик жойлашуви, табиати, тупроқ қатламлари, иқлимнинг ўзига хослиги, ташриф буюрувчи туристлар сони билан боғлиқ маълумотлар батафсил ўрганилди.

Шунингдек, дам олиш зонасида янгича туризмни ривожлантириш ва туризмни йўналишларини белгилашда энг аввало сўнгги йилда бошланган ишларни давом эттиришни кўзда тутган ҳолда сайёҳларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Геологическая карта Узбекистана. Масштаб 1:500 000. Гос. Ком. Геология. – Т.: 1998.
2. Sh.G‘.Shomurodova, Sh.M.Sharipov “Chorvoq erkin turistik zonasida turizmni rivojlantirishning tabiiy geografik asoslari”. Monografiya. T.: “Universitet”. 2022-104 b.
3. Чиникулов Х. Атлас геологических структур бассейна реки Аксакаты. – Т.: 2008. - 5 с.